



ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

Қўзиева Гулмира Бахтиёровна

Фарғона вилояти ИИБ ТҚХ Жиноят қидирув бошқармаси
Одам савдосига қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили,
майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316301>

ARTICLE INFO

Received: 02nd November 2022

Accepted: 11th November 2022

Online: 12th November 2022

KEY WORDS

Одам савдоси, ноқонуний миграция, жабрланган аёл-қизлар, трансмиллий жиноят, фоҳишалikka ёллаш, аёлларни ҳуқуқий маданияти

ABSTRACT

Ҳозирги кунга келиб, асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдоси каби трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига таҳдиди натижасида, жабр чекаётганлар, айниқса, аёллар кўпчиликини ташкил этиб, ҳудуд ва чегара билмайдиган бу жиноят жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Оилада ўрни ва таъсири беқиёс бўлган аёлларнинг одам савдоси қурбони бўлиб қолаётганликлари оила ва фарзандлар келажагининг таназзулга юз тутишига олиб келади, жамиятга соғлом ва баркамол авлодларни етиштириб беришдек шарафли бурчини бажаришига тўсқинлик қилади. Шу сабабли аёл-қизларнинг бу борадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш орқали, уларнинг жамиятдаги муносиб ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 13-модда)

Бугунги кунда, мамлакатимизда давлатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият

олиб бориши учун имкониятлар янада кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада турли фармон ва қарорлар, мутасадди вазирлик ва ташкилотларнинг қарор ва фармойишлари қабул қилинмоқда. Айниқса, хотин-қизларга яратилаётган шароит ва имониятлар уларнинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топишига йўл очиши билан аҳамиятли. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг йўлга қўйилиши, жорий йилнинг март ойида Президентимизнинг бирданига иккита



– “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолаши ҳам уларга бўлган давлат эътибори ва ғамхўрлиги белгисидир.

Бироқ, тарихан бизга маълумки, ҳар қандай жамиятда ижобий омиллар билан биргаликда жамият тараққиётига, унда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тажовуз қиладиган, жамиятда ўрнатилган қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга уринувчи, ўз манфаатларини давлат ва жамият ҳамда бошқа шахсларнинг манфаатидан устун қўйишга ҳаракат қилувчи салбий, тор доирадаги шахслар тоифаси ҳам учраб туради. Бугунги кунда ана шундай шахслар тоифасига одамфурушларни, яъни одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахсларни киритиш мумкин.

Инсонлар бойлик орттириш мақсадида ўз қавмини, қариндош-уруғларини, маҳалла-қўйда яшаб турган маҳалладошларини турлича алдовлар билан Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Кореяда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бундай ҳолат миллатимизнинг фожиасидир. Айниқса, бу ишларга аёлларнинг аралашиб қолиши кечириб бўлмас ҳолатдир.

Бугун одам савдоси жаҳон мамлакатларининг глобал муаммоларидан бирига айланди. Айрим

давлатлар бошланғич, баъзилари транзит ёки сўнгги манзил сифатида ҳаракат қилишади. БМТ статистик маълумотларига кўра, одамлар камида **127** мамлакатдан сотувга чиқмоқда. Улар **137** давлатда эксплуатация қилинмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили **20-40 МИЛЛИОН** **КИШИ** қулдорликнинг замонавий шакли қурбонига айланыпти. Афсус билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда айрим шахслар жиноят содир этиш йўлига кириб, фуқароларимизни, жумладан ёш аёл ва қизларимизни турли алдов ва фирибгарлик йўли билан тузоғига илтириб, улардан ўзларининг ғайриқонуний манфаатлари йўлида фойдаланиб, одам савдоси билан шуғулланмоқдалар. Бунинг оқибатида кўпгина аёл-қизлар одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Унинг салбий оқибатларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, шу кунга қадар дунё бўйича миллионлаб аёллар ва болалар қул сифатида шахвоний ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш учун сотиб юборилган.

Бундан шу келиб чиқадики, одам савдоси гирдобига тушиб қолишининг асосий сабабларидан бири, у ердаги маҳаллий тилни ва қонунчилигини билмаслик, энг муҳими, ноқонуний равишда борганлиги ва паспортларини иш берувчиларга бериб юбориб, ҳуқуқий ҳимоясиз бўлиб қолганликлари учун уларга қул сифатида муносабатда бўлишмоқда.

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки



вазиратнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Уюшган жиноятчи гуруҳлар ва ғаразли мақсадларни кўзловчи шахслар ўз манфаатларини кўзлаб, мўмай даромад олиш йўлида ҳар қандай қабихликка қўл урмоқдалар. Ушбу жиноят хавфлилик даражасига кўра наркотик ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосидан кейинги ўринни эгаллаши ачинарли ҳолдир.

Афсуски, республикамизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан давлатимиз томонидан ислоҳотлар олиб борилишига қарамасдан, бундай ҳолатлар республикамизда ҳам мавжуд бўлиб, фуқароларимиз, жумладан, ёш аёл ва қизларимиз турли алдов ва фирибгарликлар таъсири остида одам савдоси қурбонига айланмоқдалар.

Ҳар кун исталган вақтда мажбурий меҳнатга, шу жумладан шахвоний хизматлар эксплуатациясига жалб қилинган аёлларнинг сони тахминан 2.5 млн.ни ташкил қилади. (*Миграция бўйича Халқаро Ташкилот маълумоти*)

Дунё миқёсида одамлар эксплуатациясидан топиладиган

йиллик даромад тахминан 31.7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. (*Миграция бўйича Халқаро Ташкилот маълумоти*)

Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу муаммога жиддий аҳамият қаратилган бўлиб, одам савдосига қарши курашиш, болалар савдоси, аёлларнинг фоҳишабозликка мажбурий жалб этилишини олдини олиш, мажбурий меҳнатни тугатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Бу борадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ва стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имиджини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Хусусан, 2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича халқаро алоқаларни янада кучайтириш мақсадида БМТнинг “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишалиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди.

Шунингдек, 2001 йил 28 июнда эса БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябр) тўлдирувчи “Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Баённомаси ратификация қилиниб, давлат ўз



зиммасига ушбу глобалл муаммодан аҳолини огоҳ қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва одам савдосининг қурбонларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш ва ўтказиш орқали одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга барҳам бериш каби бир қанча мажбуриятларни олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро ва миллий тажрибалар, Республикамизда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганлигини халқаро экспертлар ҳам эътироф этиб ўтаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

АҚШнинг одам савдоси тўғрисидаги ҳисоботида **Ўзбекистон Республикасининг ўрни** яхшиланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. АҚШ Давлат департаменти турли давлатларнинг одам савдосига қарши қандай курашаётгани баҳоланган 2021 йилги “Одам савдоси тўғрисида”ги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботда мамлакатлар АҚШнинг одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни (Trafficking Victims Protection Act, TVPA) бўйича минимал стандартлар асосида баҳоланган ва уч тоифага ажратилган. Янги ҳисоботда **Ўзбекистон иккинчи тоифага (Tier 2)** киритилган бўлиб, ундан ҳукуматлари TVPA минимал стандартларига тўлиқ риоя этмаётган, бироқ уларга амал қилиш учун жиддий чораларни кўраётган давлатлар ўрин олган. *“Ўзбекистон ҳукумати одам савдосини бартараф этиш бўйича минимал стандартларни тўлиқ адо этаётгани*

йўқ, бироқ бунинг учун жиддий чораларни амалга оширмақда. Ҳукумат, COVID-19 пандемиясининг одам савдосига қарши курашиш бўйича имкониятларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ўтган ҳисобот даврига нисбатан саъй-ҳаракатларининг умумий ўсишини намоян этди, шунинг учун Ўзбекистон иккинчи тоифага киритилди” - дейилади ҳисоботда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли барча соҳаларда амалга

оширилган ислоҳотлар сингари, ҳуқуқ тартибот органларида ҳам ислоҳотлар амалга оширилиб, одам савдосидек ижтимоий хавfli муаммога қарши курашишнинг янги тизими белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, барча давлат органлари ва нодавлат, ноижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва барча фуқароларимиз одам савдосига қарши курашиш, мажбурий меҳнат ва қуллик балосидан огоҳ бўлиш, ёш аёл ва қизларни алданиб, одам савдоси қурбони бўлиб қолишларини олдини олишга қаратилган бир қатор самарали тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 30 июлдаги **“Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-5775-сонли Фармони асосан “Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси” бундан буён “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси” этиб қайта ташкил қилинди ва мазкур



Миллий комиссия таркибида комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири раҳбарлик қиладиган “Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия” ҳамда комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири раҳбарлик қиладиган “Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия”лардан иборат эканлиги белгилаб берилиб, мазкур комиссиялар томонидан ҳамкорликда чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Сўнгги вақтларда айрим ёш аёл ва қизлар ҳаёт ташвиш ва қийинчиликларига тўғри баҳо бера олмасдан, енгил даромад топиш, тез бойиб кетиш йўллари излашлари оқибатида, улар одамфурушларни енгил “ўлжа”сига айланмоқдалар. Шундай аёллар одам савдогарлари томонидан официант, раққоса, фотомодел, болаларга энага, қарияларга қаровчи, уй бекаси ёки уй хизматчиси каби ишларда кўп пул ишлашни ваъда қилишиб, чет элга ишга ёлламоқдалар. Чет элга ишга ёлланиш асосан “таниш-билишлари”, “интернет”, “телефон”, “никоҳ агентликлари” ва “ишга жойлаштириш бўйича реклама эълонлари” орқали амалга оширилмоқда.

Таҳлилларга кўра, одам савдогарлари томонидан ёлланган аёл-қизларнинг асосий қисми “истеъмомчи” давлатлар - Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Тайланд давлатларига юборилган. Фуқароларимиз чет давлатларга транзит давлатлар-Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Украина,

Арманистон ва Озарбайжон Республикалари орқали олиб чиқилмоқда.

Ёлланган шахсларни бевосита чет элга олиб бориш учун, одам савдогарлари йўл ҳаражати ўз зиммаларига олиб, белгиланган давлатларга олиб борадилар. У ерда “ёлланган шахслар”ни ҳужжатларини олиб қўйиб, уларни чет эл давлатига олиб келиш учун сарфланган маблағни ишлаб бериш шартини қўйиб, аёлларни фоҳишалик ёки бошқа ишларда ишлашга мажбур қиладилар. Келишилган пулни “ишлаб берганларидан сўнг” жабрланувчиларни кўп ҳолларда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига “топширадилар” ва улар Ўзбекистонга депортация қилинадилар.

Ачинарли томони шундаки, ҳозирги вақтда умрида маҳалласидан ташқарига чиқмаган, чет элга бориш ва ишга жойлашишдаги воситачилик билан боғлиқ хавфни тушуниб етмаган ёш аёл-қизлар, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар алдови, ёлғонига учиб, катта пул билан чет элга кетиб, соғлиғи йўқолишига, сурункали касалликларга чалиниш ёки бир умрга ногирон бўлишига сабаб бўладиган тазйиқ, зўравонлик ва қийинчиликларга дучор бўлишмоқда.

Аёл-қизларни одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш учун зарур чоратадбирларни мунтазам амалга ошириш бориш лозим.

Аёл-қизларга нисбатан содир этиладиган одам савдосига қарши курашиш масаласи жамият олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Одам савдосидан аёлларнинг



жабрланиши оқибатида, эртанги ёш авлодни тарбиялаб вояга етказувчи миллат оналарига, жумладан уларнинг ортида турган мурғак фарзандлари, оила муҳитига руҳий ва маънавий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизнинг ўзида тирикчилик қилиш имконияти бўлатуриб, баъзи аёл-қизларимизнинг хорижга олиб кетиб сотилиши, хўрланиши, фоҳишаликка ёлланишида аёлларнинг соддалиги ва ишонувчанликлари, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик, жиноятдан жабрланганларнинг дунёқарашининг торлиги, саёзлиги каби хислатлари билан кўп ҳолларда ўзлари сабабчи бўлиб қолмоқдалар.

Бугунги кунда ёш аёл-қизларни одам савдоси қурбонига айланиб қолишларини олдини олишнинг энг самарали йўли бу - одам савдосига қарши курашувчи давлат органларининг ўзаро ҳамкорликдаги профилактик ишларни, яъни ушбу жиноятларнинг қурбони бўлишга мойил бўлган шахсларга нисбатан қаратилган огоҳлантирув-тушунтириш тарғибот ишларни самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ёш аёл ва қизларни муқаддам одам савдоси жиноятини содир этгани учун судланганлар ва ушбу жиноятларни содир этишга мойил шахсларнинг таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш юзасидан тушунтирув огоҳлантирув ишларини олиб бориш;

иккинчидан, ишсиз, муайян фойдали меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган

аёл-қизларни қизиқишларидан келиб чиқиб бандлигини таъминлаш;

учинчидан, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда айрим тоифадаги фуқароларни одам савдоси жиноятининг қурбони бўлганлиги ҳамда ушбу жиноятнинг ижтимоий салбий оқибатларини ифода этувчи видеороликлар ва кўрсатувларни бериб бориш;

тўртинчидан, одам савдогарлари томонидан чет элда ишлашни ва мўмай пул топишни ваъда қилаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни зудлик билан жойларда ташкил этилган ишонч телефонларига етказиш бўйича тегишли огоҳлантирув ишларини олиб бориш;

бешинчидан, аёл-қизларга нисбатан одам савдоси жиноятининг содир этилишини олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида аёллар билан мунтазам давра суҳбатлари ўтказиш, уларга зарурий ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишдан кўзланган мақсад иш излаб ёки билим олиш учун чет давлатларга бориш хоҳиш-истаги, ниятида бўлган ёш аёл-қизлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиб, уларга ишга ёки ўқишга жойлашиш тартиби, шарт шароитлари, шу жумладан чет элга ноқонуний йўллар билан чиқишнинг салбий оқибатлари ҳақида тўла-тўқис маълумотлар бериб, уларни одам савдоси гирдобига тушиб қолишларини олдини олишдир.

Аёл-қизларга нисбатан содир этиладиган одам савдосига қарши курашиш бугунги кунда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи



идораларнинг балки, мамлакатимизда яшаётган ўзининг фарзанди, опаси, синглиси ва яқинларини ҳаёти ҳамда келажагига бефарқ бўлмаган барча фуқароларимизнинг олдида турган энг масъулиятли вазифадир.

Республикамизнинг барча фуқаролари ҳамда хорижий давлатларда меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилаётган аёл-қизларимиз алданиб, одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар тузоғига тушиб қолмасликлари, осон ва меҳнатсиз бойиш каби ёлғон вадаларга ишониб қолмасликлари, атрофда рўй бераётган глобал муаммоларга қарши курашиш жараёнларини фаол

кузатишлари ва энг муҳими доимо огоҳ бўлишлари бугунги таҳликали замоннинг заруратидир.

Хорижга ишлаш учун кетаётган ҳар бир республикамиз фуқароси бўлган аёл-қизларимизда ўз иқтисодий-молиявий даражасини яхшилаш, дунёни кўришдан ташқари, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг шаъни-шавкатини, обрў-эътиборини ошириш имконияти пайдо бўлади. Улар, ўз ақл-заковати, одоб-ахлоқи билан турли халқларда ўзбек миллати, мустақил Ватанимиз ҳақида муайян таассуротлар шакллантиришини ҳеч қачон ёддан чиқармасликлари керак.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони. <https://lex.uz/> сайтидан олинди.
3. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги 17.08.2022 йил кунги ЎРҚ- 633-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 8-июлдаги “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани (Нью-Йорк, 2000-йил 15-ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги № 160 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № 7
5. <https://religions.uz/news/detail?id=30>
6. <https://www.unodc.org/toc/ru/crimes/human-trafficking.html>
7. <http://ht.gov.uz/uz/>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/03/trafficking>
9. Lex.uz